

**Акциядорлик жамияти шаклидаги «Uzsalaman» Ўзбекистон-Германия кўшма
корхонаси акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши
БАЁННОМАСИ**

Йиғилиш ўтказилган жой: Фарғона ш. Б.Марғинович кўчаси 62-уй
Ўтказилган сана: 27.06.2016й.
Ўтказиш вақти: 15-00.
Баённома тузилган сана: 07.07.2016й.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58- моддасига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият кузатув кенгашининг раиси Ишанкулов Р.М. раислик қилди.

Йиғилиш раиси томонидан йиғилиш котибини сайлаб олиш таклифи киритилди ва ушбу масала бўйича акциядорлар томонидан қўл кўтариб овоз берилди:

Йиғилиш котиби этиб жамиятнинг кадрлар бўлими бошлиғи Содиқов Қ.А. тайинлансин.

Ушбу қарор акциядорлар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси Ишанкулов Р.М. йиғилишни очик деб эълон қилди ва акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни етказиш учун санок комиссияси вакили Қосимов Умиджон Содиқовичга сўз берди.

Санок комиссияси вакили Қосимов Умиджон Содиқович қуйидагиларни маълум қилди:

Жамиятнинг жами жойлаштирилган овоз берувчи акциялар сони 706 691 (етти юз олти минг олти юз тўқсон бир) донани ташкил қилади ва акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугатилган вақтда 370 606 донга жойлаштирилган овоз берувчи акциялар эгалари ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтди. Бу жами овоз берувчи акцияларнинг 52,44 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси ва жамият уставига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Шунга кўра йиғилиш кворумга эга ва кун тартибидаги барча масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Ишанкулов Р.М. акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун ишчи орган аъзоларини сайлаш (раёсат) ва ушбу масала бўйича қўл кўтариб овоз беришни таклиф этди:

Йиғилиш раёсати таркибига қуйидаги шахслар сайлансин:

- Ишанкулов Р.М. – Жамият кузатув кенгаши раиси;
- Абдуллаев Р.А. – “Uzsalaman” АЖ ҚК бош директори;
- Тешабоев И.Ю. – “Uzsalaman” АЖ ҚК бош бухгалтери.

Йиғилиш раёсати таркиби йиғилишда қатнашаётган акциядорлар томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси Р.М. Ишанкулов йиғилиш иштирокчиларига кун тартибини ўқиб эшиттирди.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. Жамият санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.**
- 2. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**
- 3. Кузатув Кенгашининг 2015 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.**
- 4. Жамият фаолиятининг 2015 йил яқунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.**

5. Жамият фаолиятининг 2015 йил якунлари бўйича жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

6. Жамиятнинг 2015 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.

7. Жамиятнинг 2016 йил учун Бизнес режаси ва жамиятни ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида.

8. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши кутилаётган битимларни кўриб чиқиш ва олдиндан маъқуллаш тўғрисида.

9. Жамиятда Корпоратив бошқарув тўғрисидаги Кодекс талабларини бажариш ва Кодекс талабларини бажариш мажбуриятини олиш тўғрисидаги хабар матнини тасдиқлаш тўғрисида.

10. Жамиятнинг “Манфаатлар тўқнашувидаги хатти-харакатар тартиби тўғрисида”, “Дивиденд сиёсати тўғрисида” ва “Ички назорат тўғрисида”ги низомларини тасдиқлаш тўғрисида.

11. Жамият Уставига киритиладиган қўшимчалар ва ўзгартиришларни тасдиқлаш тўғрисида.

12. Жамият Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш тўғрисида.

13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида.

14. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

1. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Ишанкулов Р.М. жамиятнинг санок комиссиясини қўйидаги таркибда сайлаб олишни йиғилиш иштирокчиларига таклиф қилди:

- Қосимов Умиджон Содиқович;
- Абдуллаев Дилмурод Махаммадович;
- Исоқова Шахнозахон Абдулхамидовна;

Йиғилиш қатнашчилари кун тартибидаги биринчи масала муҳокамасини қилдилар.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

1. Жамият санок комиссиясининг шахсий таркиби қўйидаги шахслардан 1 йил муддатга тасдиқлансин:

- Қосимов Умиджон Содиқович;
- Абдуллаев Дилмурод Махаммадович;
- Исоқова Шахнозахон Абдулхамидовна;

Овоз бериш натижалари:

Ёқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича кузатув кенгаши раиси Ишанкулов Р.М. йиғилиш регламентини қўйидагича тасдиқлаб олиш таклифини киритди:

- асосий масалалар бўйича маърузалар – 10 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, мунозара ва муҳокамалар учун – 15 дақиқагача;
- санок комиссияси томонидан овоз бериш якунларини ҳисоблаб чиқилгунга қадар танаффус – 15 дақиқагача;
- овоз бериш якунларини эълон қилиш ва йиғилишни якунлаш учун – 15 дақиқагача.

Йиғилиш қатнашчилари кун тартибидаги ушбу масалани муҳокома қилдилар.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти қўйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузалар – 10 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, мунозара ва муҳокамалар учун – 15 дақиқагача;
- санок комиссияси томонидан овоз бериш якунларини ҳисоблаб чиқилгунга қадар танаффус – 15 дақиқагача;
- овоз бериш якунларини эълон қилиш ва йиғилишни якунлаш учун – 15 дақиқагача.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

3. Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ишанкулов Р.М. жамият кузатув кенгаши томонидан 2015 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан кузатув кенгашининг ҳисоботини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди. Унда жамият томонидан 2015 йилда эришилган натижалар, жамиятнинг активлари, мажбуриятлари, даромад ва харажатларининг асосий молиявий кўрсаткичлари келтирилган. Йиғилиш раиси Ишанкулов Р.М. ушбу масалани муҳокама қилиб, кузатув кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

3. Жамият кузатув кенгашининг 2015 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

4. Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан йиғилиш раиси йиғилиш иштирокчиларига жамият тафтишчисининг 2015 йил якуни бўйича хулосасини ўқиб эшиттирди ва тафтишчининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

4. Жамият тафтишчисининг 2015 йил якуни бўйича хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

5. Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича сўз жамият бош директори Р.А. Абдуллаевга берилди. Р.А. Абдуллаев ўз ҳисоботида 2015 йилда жамият томонидан амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди. Хусусан жамият томонидан 2015 йилда 154 000 жуфт пойабзал ишлаб-чиқарилган бўлиб, уларни сотишдан тушган тушум 5 295 861 260 сўмни ташкил этди. Жамият томонидан 2015 йил давомида пойабзал ишлаб-чиқариш, сотиш ва етказиб бериш бўйича умумий қиймати 4 371 338 000 сўмлик шартномалар тузилди. (Ҳисоботнинг тўлиқ матни илова қилинади).

Шундан сўнг жамият акциядори "УЭБЕКЧАРМПОЙАБЗАЛИ" Ассоциацияси ишончли вакили Алиев Ш.А. сўзга чиқиб, жамият бошқарувидан ишлаб чиқарилаётган пойабзалларни сифати, кўринишини модернизациялаш, янгилаш борасида қандай ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида сўради.

Ушбу саволга жамият бош бухгалтери И.Ю. Тешабоев атрофлича жавоб бериб, ушбу масалада тегишли чора-тадбирлар кўрилатгани, Германия ва Россиянинг илғор пойабзал ишлаб чиқарувчи корхоналари билан тегишли шартномалар тузиш бўйича музокаралар олиб борилаётганини билдирди.

Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари томонидан берилган саволларга жавоб берилди.

Савол-жавоблардан сўнг кун тартибидаги бешинчи масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

5.1. Жамиятнинг 2015 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини ўз ичига олган йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёклади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

6. Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Р.М. Ишанкулов сўзга чиқиб, мажлис иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Жамият кузатув кенгашининг 2016 йил 16 июндаги мажлиси қарори билан жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича олган 231 626 820 сўм миқдоридagi соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш тавсия қилинади:

- Захира фонддини шакллантириш учун – 11 581 820 сўм ўтказилсин;

- Кузатув кенгаши аъзоларини бир марталик мукофотлаш учун – соф фойданинг 8,76% ёки 20 300 000 сўм ўтказилсин;

- Соф фойданинг 199 745 000 сўм миқдоридagi қолган қисми жамиятни ривожлантириш учун йўналтирилсин.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинган, кун тартибидаги олтинчи масала бўйича қуйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

6.1. Жамият томонидан 2015 йил якуни бўйича олинган 231 626 820 сўм соф фойда маълумот учун қабул қилинсин;

6.2. Акциядорлар умумий йиғилишига жамиятнинг 2015 йилда олинган 231 626 820 сўм миқдордаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- Захира фонддини шакллантириш учун – 11 581 820 сўм ўтказилсин;

- Кузатув кенгаши аъзоларини бир марталик мукофотлаш учун – соф фойданинг 8,76% ёки 20 300 000 сўм ўтказилсин;

- Соф фойданинг 199 745 000 сўм миқдоридagi қолган қисми жамиятни ривожлантириш учун йўналтирилсин.

Овоз бериш натижалари:

Ёклади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

7. Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамият бош бухгалтери И.Ю. Тешабоев сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни бидирди.

Жамият кузатув кенгаши томонидан 2015 йил 16 ноябрда жамиятнинг 2016 йил учун Бизнес режаси маълумланган. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига кўра жамият бизнес режасини акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқлаб олиши керак бўлади.

Бундан ташқари юқорида келтирилган Қонунга кўра, акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига жамиятнинг ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш масаласи киритилган. Шунга кўра жамиятнинг ривожланиш стратегияси жамият ижро органи томонидан ишлаб чиқилган ва кузатув кенгашида дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамиятнинг 2016 йил учун Бизнес режаси ва жамиятнинг узоқ ва ўрта муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш таклиф қилинди.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинган, қуйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

7.1. Жамиятнинг 2016 йил учун Бизнес режаси иловага асосан тасдиқлансин;

7.2. Жамиятнинг узоқ ва ўрта муддатли ривожланиш стратегияси иловага асосан тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёклади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

8. Кун тартибдаги саккизинчи масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши мумкин бўлган битимлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан олинган тасдиқланиши мумкинлигини билдирди ва йиғилиш иштирокчиларига аффилиланган шахслар билан тузилиши кутилаётган битимларни ўқиб эшиттирди. (Аффилиланган шахслар билан тузилиши кутилаётган битимлар рўйхати илова қилинади)

Йиғилиш иштирокчилари ушбу масалани муҳокама қилдилар, муҳокама сўнгида аффилиланган шахслар билан тузилиши кутилаётган битимларни тасдиқлаш таклифи киритилди ва қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

8. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши кутилаётган битимлари иловага асосан тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ўқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

9. Кун тартибдаги тўққизинчи масала бўйича сўз жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси У.С. Қосимовга берилди.

У.С. Қосимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони талабларини жамият тизимида ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигига тўхталиб ўтди. Жумладан, мазкур Фармонга асосан Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” талабларини бажариш барча акциядорлик жамиятларига тавсия этилган.

Шунга кўра кузатув кенгаши томонидан жамиятда “Корпоратив бошқарув кодекси” талабларини бажариш ва унга амал қилиш тавсия этилган.

Шу билан бирга, Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилиш тўғрисидаги хабар матнини тасдиқлаш ва белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида элон қилиш таклифи киритилди.

Қосимов У.С. йиғилиш иштирокчиларига Корпоратив бошқарув кодексини таништирди, ундаги асосий масалаларга тўхталиб ўтди.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинган, қуйидаги қарорлар матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

9.1. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбурияти олинсин.

9.2. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилиш тўғрисидаги хабар матни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9.3. Жамият Кузатув кенгаши томонидан Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида бажарилиши устидан назорат қилиш таъминласин.

Овоз бериш натижалари:

Ўқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

10. Кун тартибдаги ўнинчи масала юзасидан жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Қосимов У.С. сўзга чиқди ва Корпоратив бошқарув кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик

жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида жамият ижроия органи томонидан тайёрланган ва кузатув кенгаши томонидан маъқулланиб, акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилган “Манфаатлар тўқнашувидаги ҳатти-ҳаракатлар тартиби тўғрисида”ги, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги ва “Ички назорат тўғрисида”ги низомлар билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Қосимов У.С. ўз сўзида ҳар бир низомга бирма-бир тўхталиб ўтди ва улар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинган, қуйидаги қарорлар матни учун овоз бериш таклифи киритилди:

10. Жамиятнинг “Манфаатлар тўқнашувидаги ҳатти-ҳаракатлар тартиби тўғрисида”, “Дивиденд сиёсати тўғрисида” ва “Ички назорат тўғрисида”ги низомлари тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан Қосимов У.С. сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига 2015 йил 29 декабр ва 2016 йил 26 апрелда қатор ўзгартиришлар кирганлиги, жамият томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилиниши муносабати билан жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлигини таъкидлади ва жамият уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матни жамият ижро органи томонидан тайёрланиб, Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангани ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилганлигини маълум қилди.

Йиғилиш иштирокчилари жамият уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар матни билан танишдилар.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинган, йиғилиш раиси кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан қуйидаги йиғилиш қарори матни учун овоз бериш таклифини киритди.

11. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар иловага асосан тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича жамият кузатув кенгаши раиси Р.М. Ишанкулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 62-моддасида акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамият кузатув кенгашининг Бош директор билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида тавсияси тақдим этилиши белгиланган. Қайд этилган талаблардан келиб чиқиб, Жамият кузатув кенгаши томонидан 2016 йил 16 июн куни Жамият Бош директори Р.А. Абдуллаев билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини 1 йилга узайтириш тўғрисида акциядорлар умумий йиғилишига тавсия берилгани маълум қилинди.

Жамият кузатув кенгашининг ижобий хулосасини эътиборга олиб, Жамият Бош директори Р.А. Абдуллаев билан Жамият ўртасида тузилган Меҳнат шартномаси муддатини бир йилга узайтириш таклифи киритилди.

Савол ва жавоблардан сўнг, йиғилиш раиси кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан қуйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифини киритди:

12.1. Жамият бош директори Р.А. Абдуллаев билан тузилган меҳнат шартномаси муддати навбатдаги йиллик умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар узайтирилсин;

12.2. Жамият бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини имзолаш жамият кузатув кенгаши раисига юклатилсин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

13. Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Р.М. Ишанкулов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва жамият устави талабларига асосан акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамият тафтишчиси тайинланиши кераклигини маълум қилди. Жамият акциядори “Ривера Импекс” МЧЖ томонидан жамият тафтишчиси лавозимига “Ривера Импекс” МЧЖ бош бухгалтери Талипова Нина Андреевна номзоди киритилган. Бошқа акциядорлардан таклифлар тушмаганини инобатга олиб, Талипова Нина Андреевнани жамият тафтишчиси этиб тайинлаш таклифи киритилди.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинган, йиғилиш раиси кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан қуйидаги қарор матни учун овоз бериш таклифини киритди:

13. Жамиятнинг тафтишчиси этиб Талипова Нина Андреевна тайинлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлади – 370 606 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

14. Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Р.М. Ишанкулов, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талабларига кўра жамият кузатув кенгаши аъзолари ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланиши кераклигини билдирди. Шунга асосан жамият акциядори “Ривера Импекс” МЧЖ томонидан жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидаги номзодлар таклиф қилинади:

№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Уларга тегишли акциялар	
			сони	тури
1.	Ишанкулов Раж Мунавварович	«RIVERA IMPEKS» МЧЖ директори	0	0
2.	Маматов Шавкат Кувонович	Давлат активларини бошқариш маркази булим бошлиги	0	0
3.	Худояров Бахтиёр Ишмуминович	ХАББ «Трастбанк» Ғазначилик департаменти директори ўринбосари	0	0
4.	Хошимов Обид Тулаганович	«Республика Биржа Маркази» Унитар Корхонаси Бош директори	0	0
5.	Хасанов Махаммад Карим Муратович	РФБ «Тошкент» Бошқарув раиси ўринбосари	0	0
6.	Ишанкулов Мухаммад-Саид Мунавварович	«International Biznes Plus» ОК раҳбари	0	0
7.	Рустамбеков Давлатбек Пулатович	«DSGS» МЧЖ Бошқарувчиси	0	0

Таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчилик ва жамият устави талабларига кўра, жамият кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамият кузатув

кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар (**7 киши**) сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Раислик қилувчи Р.М. Ишанкулов, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган номзодларни сайлаш масаласини овозга қўйди.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

Ишанкулов Раж Мунавварович – 370 606 та овоз;

Маматов Шавкат Кувонович – 370 606 та овоз;

Худояров Бахтиёр Иимуминович – 370 606 та овоз;

Хошимов Обид Тулаганович – 370 606 та овоз;

Хасанов Махаммад Карим Муратович – 370 606 та овоз;

Ишанкулов Мухаммад-Саид Мунавварович – 370 606 та овоз;

Рустамбеков Давлатбек Пулатович – 370 606 та овоз;

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, акциядорлар томонидан белгиланган тартибда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссиясига топширилди. Овоз бериш натижалари ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг унинг натижалари саноқ комиссияси томонидан эълон қилинди.

Овоз бериш натижаларига кўра “Uzsalaman” АЖ ҚК акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. Жамият саноқ комиссиясининг шахсий таркиби қуйидаги шахслардан 1 йил муддатга тасдиқлансин:

- Қосимов Умиджон Содиқович;

- Абдуллаев Дилмурод Махаммадович;

- Исоқова Шахнозахон Абдулхамидовна;

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

2. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузалар – 10 дақиқагача;

- қўшимча маърузалар, мунозара ва муҳокамалар учун – 15 дақиқагача;

- саноқ комиссияси томонидан овоз бериш яқунларини ҳисоблаб чиқилгунга қадар танаффус – 15 дақиқагача;

- овоз бериш яқунларини эълон қилиш ва йиғилишни яқунлаш учун – 15 дақиқагача.

3. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

3. Жамият кузатув кенгашининг 2015 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

4. Жамият тафтишчисининг 2015 йил якуни бўйича хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

5. Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

5. Жамиятнинг 2015 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботини ўз ичига олган йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

6. Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

6.1. Жамият томонидан 2015 йил якуни бўйича олинган 231 626 820 сўм соф фойда маълумот учун қабул қилинсин;

6.2. Акциядорлар умумий йиғилишига жамиятнинг 2015 йилда олинган 231 626 820 сўм миқдордаги соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- Захира фондини шакллантириши учун – 11 581 820 сўм ўтказилсин;
- Кузатув кенгаши аъзоларини бир марталик мукофотлаш учун – соф фойданинг 8,76% ёки 20 300 000 сўм ўтказилсин;
- Соф фойданинг 199 745 000 сўм миқдоридagi қолган қисми жамиятни ривожлантириши учун йўналтирилсин.

7. Кун тартибидagi егтинчи масала бўйича:

- 7.1. Жамиятнинг 2016 йил учун Бизнес режаси иловага асосан тасдиқлансин;
- 7.2. Жамиятнинг узоқ ва ўрта муддатли ривожланиш стратегияси иловага асосан тасдиқлансин.

8. Кун тартибидagi саккизинчи масала бўйича:

- 8. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши қутилаётган битимлари иловага асосан тасдиқлансин.

9. Кун тартибидagi тўққизинчи масала бўйича:

- 9.1. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириши ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириши комиссияси йиғилишининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиши мажбурияти олинсин.
- 9.2. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини қабул қилиши тўғрисидаги хабар матни иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 9.3. Жамият Кузатув кенгаши томонидан Корпоратив бошқарув кодексини жорий этиши бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида бажарилиши устидан назорат қилиши таъминласин.

10. Кун тартибидagi ўнинчи масала бўйича:

- 10. Жамиятнинг “Манфаатлар тўқнашувидagi хатти-харакатлар тартиби тўғрисида”, “Дивиденд сиёсати тўғрисида” ва “Ички назорат тўғрисида”ги низомлари тасдиқлансин.

11. Кун тартибидagi ўн биринчи масала бўйича:

- 11. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар иловага асосан тасдиқлансин.

12. Кун тартибидagi ўн иккинчи масала бўйича:

- 12.1. Жамият бош директори Р.А. Абуллаев билан тузилган меҳнат шартномаси муддати навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар узайтирилсин;
- 12.2. Жамият бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини имзолаш жамият кузатув кенгаши раисига юклатилсин.

13. Кун тартибидagi ўн учинчи масала бўйича:

- 13. Жамиятнинг тафтишчиси этиб Талипова Нина Андреевна тайинлансин.

14. Кун тартибидagi ўн тўртинчи масала бўйича:

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:

- Ишанкулов Раж Мунавварович;
- Маматов Шавкат Қувонович;
- Худояров Бахтиёр Ишмуминович;
- Хошимов Обид Тулаганович;
- Хасанов Махаммад Карим Муратович;
- Ишанкулов Мухаммад-Саид Мунавварович;
- Рустамбеков Давлатбек Пулатович;

Ушбу билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Умумий йиғилиш баённомаси 2016 йил 07 июль куни икки нусхада тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси

Р.М. Ишанкулов

Йиғилиш котиби

Қ.А. Содиқов